



ЯССИ, Йасси (асли — Сакси) — Туркистон шаҳрининг эски номи.

Бу ҳақда Махмуд ибн Вали (17-аср) «Бахр уласрор» («Сирлар денгизи») асарида куйидаги маълумотларни келтиради: «Хозирги Туркистон — бу Сакси шаҳри, авом халк уни Ясси деб атайти». Араб географларининг ёзишича, Ясси ўрнида 10-асрда Шавгар шаҳри бўлган. 11 — 12-асрларда Ясси номи тарихий манбаларда учрайти. Амир Темур ва теурийлар даврида кишлок (каръя). 1397 йил Сохибкирон Я. га келиб шайх Ахмад Яссавий мозорини тавоф килган ва унинг мозори устига макбара солишни буюрган. Макбара 2 йилда куриб битказилган (к. Яссавий макбараси мажмуаси). Сохибкирон Хитойга юриш килганида (1404 йилнояб.) кўшиннинг амирзода Султон Хусайн бошчилигидаги сўл каноти Ясси ва Сабронда кишлаганлар. Дашти Кипчок ва Мовароуннахр ахолиси томонидан мукаддас шаҳар сифатида эъзозланиб келинган ва Ахмад Яссавийга нисбат берилиб Хазрат, Туркистон, Туркистон ота каби номлар билан ҳам аталиб келинган. 17-аср охири — 18-асрдан Ясси номи манбаларда учрамайти;